



ТАЛАБАЛАРНИ АҚЛИЙ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Утепбергенов Г.Қ.

*НДПИ. Гуманитар ва ижтимоий фанларни масофадан ўқитиш
кафедраси катта ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: мустақил таълим, мустақил таълим аудиториялари, мустақил фаолият, эркин фикирлаш, мустақил иши, ўқитиш самарадорлиги.

Ключевые слова: самостоятельное образование, аудитории самостоятельного образования, самостоятельная деятельность, свободное мышления, самостоятельная работа, эффективность обучения.

Key words: Independent education, audiences of independent education, independent activity, free thinking, independent work, learning efficiency.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ҳалқимизни маърифий уй-фоқликка чорлаб баралла янграган ушбу оташин даъват таълим соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берибгина қолмай, кейинги йилларда том маънода ҳаётимиз амалига айланди. Биринчи Президентамиз таъбири билан айтганда, «Биз яшаётган XXI аср - интеллектуал бойлик хукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва халқ учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар» деб таъкидлаган.

Шундай экан интеллектуал бой, баркамол шахсни шакллантириш учун замон талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш олий таълим муассасалари олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда фан ёки мавзунинг мазмуни биринчи ўринда туради. Шунингдек, ўқув материалнинг тузилиши ва уни баён этиш услуби ҳам катта аҳамиятга эга. Биз талабаларни фақатгина янги маълумотлар билан таништирмоқчи бўлсак, тайёр назарий хулосаларни беришнинг ўзи кифоя қилади. Уларни фақатгина хабардор қи-



лиш эмас, балки ўқитиш жараёнида талабалар ижодий қобилиятларини ривожлантириш масаласи қўйиладиган бўлса, у ҳолда ўрганилаётган жараёнлар қандай омиллар асосида юзага келганини ҳамда назариянинг тўғрилигини қандай кузатишлар ва тажрибалар ёрдамида тасдиқланганлигини уларга тушунтириш керак бўлади. Маълумки, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш олий таълим муассасалари олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Ёшларга таълим ва тарбия беришнинг мураккаб вазифаларини ҳал этиш ўқитувчиларнинг ғоявий эътиқодига, касб маҳоратига, истеъдоди ва маданиятига, ҳозирги замон педагогик ва ахборот технологияларни қўллаши, талабаларни ўзаро фаолликка олиб келишига ҳам боғлиқдир.

Талабанинг ўзлаштиришида мустақил ўқув фаолияти асосий роль ўйнайди. Талаба ўзининг мустақил ўқув фаолиятида маъруза ва амалий (лаборатория) машғулотларидан олган билимларини мустақамлайди, кенгайтиради, чуқурлаштиради, тушунчалар ёки уларнинг хоссаларини умумлаштиради ёки хусусийлаштиради, олинган билимларини амалиётга масала ёки муаммоларни ечишда қўлайди, қўйилган муаммони ҳал қилиш йўлларини мустақил излайди ва ечиш усулларидан энг мақбулини, самаралисини танлайди, келгуси маъруза, амалий ва лаборатория

машғулотларига тайёргарлик кўради.

Мустақил фаолиятнинг асоси ўқитувчи томонидан шакллантирилиши, талабани мустақил фаолият олиб боришига етакловчи, ундовчи зарур шарт шариит ва имкониятлар яратилиши, талабанинг бу фаолиятида фаол иштирокини таъминлаш керак бўлади.

Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шариитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўлларини кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Талабаларнинг мустақил иши - муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир. Ўқишнинг бошланғич босқичларида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг таълимнинг навбатдаги тури - олий таълим талабларга кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан,



қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди.

Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқич-ма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган кўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топшириқларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади.

Топшириқлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотида олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилиши керак.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, таълим жараёнига компьютер технологияларини жорий қилиш электрон ўқув-методик ресурслар, интеграллашган электрон луғат-маълумотномалар ҳамда лаборатория ва табиий экспериментларни моделлаштириш тизимларидан фойдаланишни назарда тутади.

Интеллектуал ўқитиш тизими асосида олий таълим муассасаларининг ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш муаммосининг долзарблиги куйидаги омиллар билан белгиланади: талабаларнинг мустақил таълим олишга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиш ва етарли шарт-шароит яратиш зарурати; таълим тизимининг турли йўналишларида ўқувчи ва талабаларнинг фаол таълим олиш шаклларига бўлган эҳтиёжи ва ижтимоий заруриятнинг етарлича қондирилмаётганлиги; талабалар томонидан таълим тамойиллари, мазмуни, методи ва замонавий воситаларини мустақил танлашлари учун етарлича шарт-шароит яратилмаганлиги ҳамда билим ва кўникмаларнинг шакллантирилмаганлиги; фан, техника ва технология тараққиётининг бугунги даражаси билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатини таъминлаш жараёни орасидаги номувофиқлик; олий педагогик таълим муас-



сасаларининг электрон ахборот-таълим муҳити ва интеграллашган ўқув-илмий ресурсларнинг яратилмаганлиги; таълим жараёнини ахборотлаштириш борасида тўпланган илғор тажрибаларнинг амалиётга етарлича жорий этилмаганлиги; педагогларнинг талабалар мустақил таълим олишларини ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилиш бўйича вақт ресурсининг чекланганлигини эътиборга олган ҳолда.

Университет миқёсида ҳар бир кафедралар қошида мустақил таълим аудиторияларини ташкил этиш айнан кафедраларда ўтиладиган барча фанлар бўйича ўқув методик адабиётлар, интернет тармоқлари ҳамда ахборот коммуникацион технологиялар билан жиҳозлаш ва талабаларга қулай шарт-шароитлар яратиш талабаларнинг мустақил билим олишларига катта самара беради.

Мисол тариқасида ҳар бир кафедра ўзига ажратилган аудиториялардан бирини камида 15 нафар талаба сифмига мўлжалланган ҳолда мустақил таълим учун зарур ўқув адабиётлар, ўқув услубий мажмуалар, компьютерлар, интернет тармоғи, электрон дарсликлар, мустақил иш мавзулари, видео роликлар ва бошқа кафедрада мавжуд фанларга доир манбалар билан таъминлаб талабалар учун мустақил равишда ишлаш имконияти яратилса талабаларнинг ўзлаштириш даражаси, эркин фикрлаш қобилияти, нутқи, керакли манбалардан тўғри фойдаланиш ва тезкор маълумотлар олиш имкониятлари пайдо бўлади ва ҳар бир фан учун ўқув режада ажратилган мустақил таълим соатлари самарали ўзлаштирилади.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки мустақил таълим аудиторияларини ҳар бир кафедра қошида ташкил этиш орқали талабаларни эркин фикрлашга, бўш вақтларини унумли ўтказишига, энг асосийси ҳар бир фанга оид маълумотларни тезкор равишда ўзлаштириш имконияти яратилади. Шу йўл орқали ўқитиш самарадорлиги ва натижасини кўриш мумкин.

Adabiyotlar:

1. Шавкат Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент “Ўзбекистон” 2017 йил.
2. Олий таълим меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. 1 том. Тошкент 2013 йил.
3. Ганс Дитер Хопфнер. Урта махсус, қасб хунар таълими тизимида мустақил ўрганишнинг аҳамияти. КХК лари учун ўқув қўлланма. Ўзбекистон Швецария «Қасбий кўникмаларни ривожлантириш» лойиҳаси. Тошкент-2009 й.

РЕЗЮМЕ

Мақоллада талабаларнинг мустақил ишларини то'ғри ташкил этиш ва баҳолаш, турли хил мураккабликдаги вазифаларни тайyorлаш бо'йича tavsiyalar берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье даны рекомендации по правильной организации и оценке самостоятельной работы студентов, составлению заданий различной сложности.

SUMMARY

In article recommendations about the correct organization and assessment of independent work of students, drawing up tasks of varying complexity are made.